



## Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари Қуръон эди», - дедилар

Саъд ибн Ҳишом ибн Омир Оиша разияллоҳу анҳо ҳузурларига кирганда: «Эй Мўминларнинг онаси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари ҳақида менга хабар беринг», - дедилар. «Қуръон ўқиганмисан», - дедилар. «Ҳа, албатта (ўқийман)», - дедим. «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари Қуръон эди», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муслим узун ҳадиснинг бир қисмида ривоят қилган]

Мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари ҳақида сўралдилар. Жомеъ сўз билан жавоб бердилар ва сўровчини комил сифатларни ўзида жамлаган Қуръони Каримга йўллаб қўйдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръон хулқлари билан хулқланган эдилар. Қуръон буюрган нарсани бажарар, қайтарган нарсасидан четланар эдилар. У кишининг хулқи унга амал қилиш, чегараларида тўхташ, одоблари билан хулқланиш, қиссалари ва масалларидан ибрат олиш эди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/8265>

